

«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АЖнинг
ягона акциядорининг
2025 йил «19» июлдаги қарори билан
__3-сонли баённома**

**«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамияти
АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Тошкент шаҳри – 2025 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамияти акциядорлар умумий йиғилиши мақомини ва қарорлар қабул қилиниши тартибини белгилайди.

2. Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (бундан буён матн давомида – Қонун)га, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишининг 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига (бундан буён матнда Кодекс деб юритилади) ва «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамияти (бундан буён матнда Жамият деб юритилади) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Қонуннинг 58-моддасига мувофиқ барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган Жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди.

4. Қонун ва Жамиятнинг Устави билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак, Жамиятнинг имтиёзли акциялари Қонунга мувофиқ овоз бериш ҳуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно. Бунда Қонуннинг 7 бобининг Акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

5. Жамият ҳар йили молия йили яқунлангандан сўнг олти ойдан кечиктирмай йил натижаларини кўриб чиқиши керак.

6. Йил яқунларига кўра Ягона акциядор Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларин сайлаш, Ижроия органи раҳбари билан тузилган шартнома муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш имкониятлари тўғрисидаги масалалар ҳал қилинади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегияларига эришиш бўйича қўлланилаётган чоралар тўғрисидаги ҳисоботлари ҳамда бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

7. Ягона акциядор амалдаги қонунчиликка асосан умумий йиғилиш ваколатига кирадиган бошқа қарорларни ҳам қабул қилади.

8. Акциядорга тегишли қарорлар қабул қилиш учун масалаларни бериш санаси ва тартиби, Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

II. ЯГОНА АКЦИЯДОРНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

9. Ягона акциядорнинг ваколат доирасига қуйидагилар киреди:

- Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва яқуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;
- ўз акцияларини олиш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини, Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи ҳисобланувчи Бош директорни тасдиқлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан, Жамиятни рақобат муҳити таҳлили, экспортга йўналтирилганлик ва тегишли соҳа, тармоқ ва ҳудудни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларидан келиб чиққан ҳолда ўрта муддатга (беш йилгача) ва узоқ муддатга (беш йилдан ортиқ) ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- Жамиятни ривожлантириш стратегиясига (зарур ҳолларда) киритиладиган ўзгартиш ва/ёки қўшимчаларни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- Жамият Кузатув кенгаши ўз ваколати доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини хулосаларини эшитиш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- Қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимларни маъқуллаш;
- ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;
- Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабар бериш шаклини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг ички корпоратив ҳужжатларини тасдиқлаш, тасдиқланиши Жамият Устави билан Жамиятнинг Кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг ваколатларига киритилган ҳужжатлар бундан мустасно;
- аудиторлик ташкилотининг ҳисоботларини ҳар йили тасдиқлаш;
- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни энг юқори миқдорларини белгилаш;
- Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни белгилаш;
- ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамият ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатишнинг (олиш) энг кўп миқдорини белгилаш;
- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) жалб этиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) таъминлаш харажатини қоплаш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига ва Кодексга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

10. Барча масалалар бўйича қарорлар яқка тартибда қабул қилинади ва оддий ёзма шаклда расмийлаштирилади.

11. Ягона акциядорнинг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

12. Акциядор томонидан қарор қабул қилишда ички аудит хизмати ходимлари, аудиторлик текширувини ўтказган аудиторлик ташкилоти вакили, Жамиятнинг Кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, шунингдек миноритар акциядорлар қўмитаси вакили (мавжуд бўлган ҳолатда) ва бошқалар иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

13. Жамиятнинг ижроия органи аъзолари, Кузатув кенгаши аъзолари, шунингдек аудиторлик ташкилоти вакиллари акциядор томонидан қарор қабул қилишда ўз органлари ҳисоботлари билан шахсан иштирок этишлари керак.

14. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига ва Жамият Бош директори лавозимига номзодлар акциядор томонидан ўз номзодлари кўриб чиқилишида иштирок қилишлари мумкин.

III. ЙИЛ ЯҚУНЛАРИГА КЎРА МАТЕРИАЛЛАРНИ ЯГОНА АКЦИЯДОР ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

15. Акциядор томонидан материалларни кўриб чиқишга сифатли тайёрлаш учун ижроия органи корпоратив консултант (мавжуд бўлган ҳолатда) билан биргаликда қуйидагиларни амалга оширади:

- Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори билан танланган аудиторлик ташкилотлари билан аудиторлик текширувини ўтказиш, шу жумладан Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий ҳисобот тайёрлаш, Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудит ташкил қилиш бўйича шартномалар тузади, ушбу шартномаларда текширув яқунланишининг аниқ муддатлари кўрсатилади;
- Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудит ўтказилгандан сўнг йиллик умумий йиғилиш ўтказиладиган санагача икки ҳафтадан кечиктирилмай Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган ҳар йилги молиявий ҳисобот эълон қилинишини таъминлайди.
- Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилинишини таъминлайди.

Ижроия органи шунингдек қуйидагиларни ишлаб чиқади (тайёрлайди):

- ҳар бир йўналиш бўйича асослар илова қилинган ҳолда соф фойда тақсимланиши (зарарлар ўрни қопланиши) ва акциядор томонидан кўриб чиқиладиган бошқа ҳужжатлар, шунингдек санок комиссиясини ташкил қилиш бўйича таклифлар. Акциядор томонидан келиб тушган таклифларни, шу жумладан Жамиятнинг Кузатув кенгашига кўрсатилган номзодлар тўғрисидаги ахборотни ва бошқа маълумотларни умумлаштиради;

— Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва йиллик бизнес-режаси, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўрта ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегияси лойиҳасини;

— бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисида ва Жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисидаги ижроия орган ҳисоботи, аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича танлов ўтказиш ва ҳ.к.

16. Ижроия органи материаллар ишлаб чиқилгандан (тайёрлангандан) сўнг уларни Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун киритади.

17. Акциядорга материалларни тайёрлаш Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан ўтказилади, у қуйидагиларни белгилайди:

— акциядор томонидан кўриб чиқиладиган масалалар рўйхатини;

— Акциядорлар умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

18. Акциядорга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг хулосаларини, Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотларни, Жамият Уставига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар лойиҳасини ёки Жамият Уставининг янги таҳрирдаги лойиҳасини, шунингдек Жамиятнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли давр учун ривожланиш стратегиясини ва кун тартиби бўйича бошқа керакли ахборотни, шу жумладан Жамият Кузатув кенгашининг Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби юзасидан нуқтаи назарини ўз ичига олади.

19. Акциядорга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

20. Акциядор Жамиятнинг молия йили яқунлангандан сўнг тўксон кундан кечиктирилмаган муддатда Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби бўйича, шу жумладан фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органлари аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга, белгиланган тартибда Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар уларни алмаштириш имкониятига эга.

21. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

22. Жамият Кузатув кенгашига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

23. Жамиятнинг Кузатув кенгаши келиб тушган таклифларни кўриб чиқиши ва уларни акциядор томонидан кўриб чиқилиши ҳақида ёки қайд этилган кун тартибига киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

24. Акциядор Жамият Кузатув кенгашига тақдим этилган номзодлар рўйхатига ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

25. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорга кўриб чиқилиши учун киритилиши ёки рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори ёки номзоднинг Жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига сайловлар бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига

киритилиши тўғрисидаги қарори масала киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорга қарор қабул қилинган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирилмай юборилади.

26. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядор томонидан кўриб чиқиш кун тартибига ёки номзодни Жамият Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

IV. АКЦИЯДОРГА МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ УЧУН КИРИТИШ

27. Акциядорга масалаларни кўриб чиқиш учун киритиш Жамият Кузатув кенгашининг қуйидагилар асосидаги қарори бўйича амалга оширилади:

- унинг ўз ташаббуси бўйича;
- талабнома тақдим қилинган санادا Жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси ҳисобланган акциядор талабига кўра.

28. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларини муддатидан илгари тугатилиши масалалари бўйича акциядор томонидан қарор қабул қилиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига, Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларига риоя қилмаслик;
- Жамиятга зарарлар келтирилиши ва акциядорларнинг мулкӣ ҳуқуқларига зиён етказилиши, шу жумладан Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти жиддий ёмонлашиши, фойда ва рентабеллиги пасайиши, ишлар ва хизматларнинг реализация қилиниши асоссиз равишда қисқартирилиши билан боғлиқ зарарлар етказилиши;
- Жамиятнинг иқтисодий ночорлиги (банкротлиги) юзага келиш аломатлари ёки таҳдидлари мавжудлиги, давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар олдида ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича турғун қарздорлик мавжудлиги.

29. Акциядор талабномаларида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар уларнинг киритилиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ифодаланиши керак. Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш масалалари кўриб чиқилган ҳолларда кун тартибига Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масалаларини киритиш тўғрисида таклифлар киритилади.

30. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорнинг талабига кўра акциядор томонидан кўриб чиқиладиган кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

31. Акциядор томонидан масалаларни кўриб чиқиш тўғрисидаги талабномани ушбу кўриб чиқишни талаб қилган шахс (шахслар) имзолайди.

32. Жамият овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядор талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 кун ичида Жамият Кузатув кенгаши акциядорга қарор қабул қилиш ёки уни кўриб чиқишни рад этиш сабабларини кўрсатиш учун материаллар тақдим қилиши керак.

33. Жамият овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорнинг талабларини кўриб чиқишни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорнинг ваколат доирасига кирмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

34. Жамият Кузатув кенгашининг акциядор томонидан масалани кўриб чиқиш тўғрисидаги ёки уни кўриб чиқишни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори уни чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

35. Жамият Кузатув кенгашининг акциядор томонидан кўриб чиқишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

36. Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка эга бўладилар.

37. Агар Низомнинг алоҳида моддалари Республикаси Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, унда ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва унинг мазкур моддалар билан тартибга солинадиган қисмида, Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, Республикаси Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Устави нормаларига амал қилиш керак.